

## Ислом Каримов-маънавий юксалиш ташаббускори

Халқимизнинг чексиз муҳаббатини қозонган Ислом Каримов қалбларимизда тинчлик, барқарорлик, фаровонлик, тараққиёт ва маънавий юксалиш раҳнамоси ва ташаббускори сифатида қолди.

Биринчи Президентимизнинг мамлакатимиз мустақилликка эришганининг ilk йилларида биринчи навбатда, элимизнинг тарихий хотирасини, юксак қадимий миллий қадриятларини тикланишига ҳамда маънавий юксалишига ташаббускор бўлиши натижасида юртимизда маънавий ҳаёт тубдан ўзгара бошлади, халқимизнинг дунёқарashi, тафаккур тарзи мустақиллик руҳида ўзгара борди ва келажакка ишончи ортди. Буюк давлат ва жамоат арбоби, маънавий юксалиш ташаббускори бўлган Ислом Каримов таваллудининг 80 йиллигини Республикамизнинг барча ҳудудларида кенг нишонланмокда.

Институтимизда ҳам “Ислом Каримов - маънавий юксалиш ташаббускори” деб номланган адабий-бадиий тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг академиги, доцент, филология фанлари номзоди Улуғбек Сайдов, Тошкент давлат юридик университети профессори, юридик фанлари доктори О. Мухаммаджонов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист М. Абдуллаев, Ўзбек давлат драма театри актрисаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Д.Бобохоновалар иштирок этишди.

Тадбир давомида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, ташкилий қўмита раиси А.Арипов томонидан 2017 йил 12 декабрда (01-07-2987-сон) тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш бўйича тадбирлар режаси”нинг иккинчи йўналиши, 18-бандида белгиланган вазифалар ижросини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2018 йил 16 январдаги ўртасида “Озод ва обод Ватанга баҳшида умр” ва “Ислом Каримов асарларининг баркамол авлод тарбиясидаги аҳамияти” мавзусида иншолар танловини ўтказиши тўғрисидаги 42-сонли буйруғи ҳамда институт ректорининг 2018 йил 23 январдаги 49 А/Ф сонли буйруғига асосан институтимиз талаба-ёшлари орасида ўтказилган худди шу мавзудаги иншолар танловининг иштирокчилари ва ғолиблари фахрий ёрлиқ ва диплом ҳамда институт эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Хусусан, “Иқтисод ва менежмент” факультети 2 курс талабаси Н. Акромова биринчи даражали, “Қишлоқ хўжалигини механизациялаш” факультети 1 курс талабаси Ш. Маматқурова иккинчи даражали, “Ер тузиш ва ер кадастри” факультети 3 курс талабаси Н. Омонқуловалар учинчи даражали диплом билан тақдирландилар.

Тадбир сўнгидаги, институт талаба ёшлари ўзларининг ижод намуналаридан ўқишиди.



**Маънавият-маърифат ва иқтидорли ёшлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Дилбархон  
Сиддиқова ахбороти**

**Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**